“ХАМСА”ДА “БИЛИГ” КОНЦЕПЦИЯСИ

У. Жўрақулов

Мақолада Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ва Алишер Навоийнинг “Хамса” асарлари шарқ-ислом адабиётидаги “билиг” (маърифат) концепцияси негизида типологик талқин қилинади.

***Калит сўзлар**: концепция, хамса, достон, билиг, маърифат, аруз, ахлоқий-дидактик асар, компиляция, анъана, адабий таъсир, структура.*

В статье представлена типологическая интерпретация дастана “Қутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба и “Хамсы” Алишера Навои на основе концепции “билиг”, бытовавшей в литературе мусульманского Востока.

***Ключевые слова**: концепция, хамса, дастан, “билиг”, просвещение , аруз, дидактическое произведение, компиляция, традиция, литературное влияние, структура.*

On the basis of concept ‘bilig’ widely spread in Muslim east the article presents typological interpretation of poems ‘Qutadg’u bilig’ by Yusoof Hos Hojib and the poem ‘Hansa’ by Alisher Navoiy.

***Key words**: concept, hamsa, doston, bilig, enlightenment, arooz, didactic literary work, tradition, compilation, literary influence, structure.*

“Хамса”нинг биринчи достонини шарқ достончилиги анъаналари негизида махсус ўрганган Е.Э.Бертельс ўнлаб оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарини қайд этгани ҳолда, негадир, Низомий “Махзан ул-асрор”ига ҳар жиҳатдан яқин бўлган “Қутадғу билиг” масаласини очиқ қолдирган [2.203-204]. “Қутадғу билиг”га оид бошқа тадқиқотларда Юсуф хос Ҳожиб китоби Низомул Мулкнинг “Сиёсатнома”, Кайковуснинг “Қобуснома” асарлари билан бир даврда ёзилгани, мазмун ва шакл жиҳатдан уларга яқинлиги таъкидланади.

Бизнингча, Низомул Мулкнинг “Сиёсатнома” асарида кўпроқ ижтимоий, ҳуқуқий, ахлоқий масалалар илмий-тарихий нуқтаи назардан талқин этилган бўлса, “Қобуснома”, асосан, ақидавий, ахлоқий, ижтимоий, маиший мавзулар талқинига қаратилган. Поэтик шакл жиҳатидан ҳам бу икки асар билан “Қутадғу билиг” ўртасида жиддий фарқ бор. Бундан ташқари “Сияр ул-мулк” (“Сиёсатнома”) 1091 йилда – Юсуф хос Ҳожиб асари ёзилгандан 21–22 йил ўтиб, “Насиҳатнома” (“Қобуснома”), педагогика фанлари доктори Улуғбек Долимовнинг қайд этишича, “XI асрнинг 82–83 йилларида”, яъни “Қутадғу билиг”дан 12 – 13 йил кейин ёзилган [4.5].

Бундан ҳам мураккаброқ муаммо “Шоҳнома” ва “Қутадғу билиг” муқоясасида кўзга ташланади. Яъни Европа, форс, турк, рус олимларининг аксарияти, хусусан, Фитрат ва унга эргашган баъзи ўзбекзабон адабиётшунослар “Қутадғу билиг” асарига Фирдавсий “Шоҳнома”си таъсирини қайта-қайта урғулайдилар. Бунда, асосан, икки асар ўртасидаги вазн ўхшашлиги ҳақидаги далилга таянадилар, шундан бошқа типологик хусусиятларни таҳлилий кўрсатиб бериш масаласини очиқ қолдирадилар. Бу ҳолат “Қутадғу билиг”ни нашрга тайёрлаган, турли нусхаларини солиштириб ўрганган Қ.Каримовни ҳам, афтидан, қониқтирмайди. Олим ўз эътирозини қуйидагича ифодалайди: “Ажабланарли ери шундаки, “Қутадғу билиг” аруз вазнида ёзилганлигини эътироф этувчиларнинг деярли барчаси ҳам бу асарнинг бевосита “Шоҳнома“ таъсирида ёзилганлиги, унда “Шоҳнома” вазни айнан акс этганлиги ҳақида гапириб, унинг арузда ёзилишини ёлғиз “Шоҳнома” таъсиридан излайдилар. Уларнинг бундан бошқа далиллари йўқ. Жумладан, улар ўз фикрларининг исботи учун “Қутадғу билиг”дан лоақал бир-икки байтни олиб таҳлил қилиб бермайдилар. Биз бу ерда “Шоҳнома” ва Фирдавсийнинг “Қутадғу билиг” ва Юсуф хос Ҳожибга таъсирини инкор этмоқчи эмасмиз, адабий ҳамкорлик ва ўзаро таъсир умумэътироф этилган бир нарса, у ўз йўлига, лекин “Шоҳнома” мавзуи билан “Қутадғу билиг” мавзуи мутлақо бир-биридан фарқ қилади. У мустақил ва салмоқли бир турк адибининг ижоди эканлигини ҳам унутмаслик керак” [5.21-22].

Келтирилган кўчирмада олимнинг “Шоҳнома” ва “Қутадғу билиг” муаммоси юзасидан билдирган дастлабки ва умумий фикрларигина акс этгани кўриниб турибди. Қ.Каримов бу ўринда айни муаммони ҳал этиш мақсадини қўймаган. Бор-йўғи “Қутадғу билиг” ҳақида ўзидан олдинги тадқиқотчилар илгари сурган баъзи субъектив фикрларга

йўл-йўлакай муносабат билдириб ўтган, холос. Бир кичик тадқиқот доирасида “Қутадғу билиг” ва “Шоҳнома” типологиясига кенг ўрин ажратишга бизнинг ҳам имконимиз йўқ. Аммо, модомики, мақолада “Хамса” жанри ва унинг таркибидаги биринчи достон “Қутадғу билиг”нинг мазмунан чуқурлаштирилган, шаклан мукаммаллаштирилган намунаси деган масалани илгари сураётган эканмиз, айрим муқоясалар ва шундан келиб чиқадиган тезисларимизни қайд этиш ўринли бўлади.

1. Агар “Шоҳнома” Фирдавсийгача ва унинг даврида яшаган ҳукмдорлар ҳақида ҳикоя қилувчи тирихий-хроникал, диний-мифологик, фалсафий-бадиий бир асар бўлиб, бутун асар, моҳиятан, ҳукмдор шахс (шоҳ)га бориб боғланса, қатор миллатлар, инсонлар ҳаёти ҳукмдор шахсияти орқали тасвирланса, “Қутадғу билиг”даги ўзак муаммони “билиг” концепцияси ташкил этади. “Қутадғу билиг”ни ўрганган ўзбек ва бошқа миллат адабиётшунослари айнан мана шу бош муаммо – “билиг” концепцияси юзасидан янглиш қарашни илгари сурадилар. “Билиг” сўзини фақат “билим”, “илм” тушунчалари билан изоҳлайдилар. Натижада асарнинг туб моҳияти борасида тор, бирёқлама фикр-хулосалар билдирилади. Бу ҳолат китобнинг “Саодатга элтувчи билим” сарлавҳаси остида тадқиқ этилиши ва оммалаштирилишида ҳам яққол кўринади. Ҳолбуки, қадим туркийлар тилида “билиг”, “билга” сўзларининг маъноси фақат билим ёки билимли тушунчалари билан чекланмайди. Шумер эпосидаги Билгамиш, тошбитикларда келадиган Билга Ҳоқон атоқли отларининг дастлабки шакли сифат эмас, турдош от бўлган (“билиг” – билим, маърифат; билга – билувчи, синчи). Кейинчалик “билга” дейилганда замонасининг улуғи тушунилган. Натижада турдош от атоқли отга айланган. Ҳукмдорлик, халқ ҳимояси, миллатни бирлаштиришдек улкан вазифалар юклатилган бу шахсларнинг билга аталиши бежиз эмас. Туркий адабиётнинг энг қадимги давридан тақрибан XIII – XIV асрларгача бўлган оғзаки ва ёзма намуналарида “билиг”, “билга” сўзлари жуда кўп қўлланади. “Девону луғотит турк”да “билиг” сўзи уч маънони ифодалаб келади: 1) илм, билим; 2) ҳикмат; 3) ақл [7.367]. “Навоий луғати”да эса бу сўзга “билим”, “илм”, “ақл” дея маъно берилган [6.118]. Бу ўринда ҳар икки луғат ҳам “билиг” сўзини изоҳлашда муайян чекловларга йўл берганини назарда тутиш лозим. Биринчи луғат муаллифи – Маҳмуд Кошғарий ўз асарини муайян сўзнинг ўз тарихий замон-маконида, турмуш амалиётида қўлланган маъноларини изоҳлаш тамойилига кўра шакллантирган. Уларнинг диний, тарихий, фалсафий ва бадиий тафаккур контекстида бажаридиган вазифалари, маъно кўламларини белгилашни мақсад қилиб қўймаган. “Навоий луғати” муаллифи эса сўзларни, асосан, мумтоз адабиёт материаллари мисолида изоҳлаган. Шунда ҳам кўпроқ арабий, форсий ва чиғатой-турк тилига оид сўзларга эътибор қаратган. Мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий асарларида ишлатилган қадим туркий халқлар маърифий-эътиқодий қарашлари, диалектлари, шеваларига доир сўзларни эътиборсиз қолдирган. Сўзларнинг бадиий-контекстуал моҳиятини эса умуман ҳисобга олмаган, изоҳ-мисолларни мустақил байт доирасида тақдим этиш йўлидан борган, холос. Ҳолбуки, диний, фалсафий, бадиий матнларда ҳар битта сўз улкан контекстуал системанинг бир бўлаги ўлароқ маъно ташийди. Турли маънавий-маърифий, тарихий-этимологик, бадиий-метафорик товланишларини намоён этади.

Худди шу маънода, Юсуф хос Ҳожиб асаридаги “билиг” сўзи универсал кўламга эгаки, 12814 мисра (6407 байт)лик улкан ҳажмли асар маърифий-бадиий концепциясининг шу сўзга юкланиши бекорга эмас. Қадим туркий манбалар (“Билгамиш”, “Билга ҳоқон” ёки Алпомишнинг ҳам бир исми Ҳаким, билимли, маърифатли маъносида келишини эслайлик), хусусан, “Қутадғу билиг” контекстидан келиб чиқиладиган бўлса, “билиг” сўзи остида арабча кенг маънодаги “маърифат” тушунчаси, “билга” сўзи остида эса маърифат эгаси, яъни ҳаким, алийм, оқил маъноларига қўшимча равишда Яратганга яқин, илоҳий ва дунёвий билимлар соҳиби, уч олам илмидан баҳраманд шахс маънолари юзага чиқади. Тарихан маърифат тушунчаси илк одам яратилган даврга бориб тақалади. У кунда ҳатто бугун биз англайдиган маънодаги замон ва макон тушунчаси ҳам мавжуд эмас эди. Замонмакон тушунчаси фақат Одам алайҳиссалом ерга туширилган сониядан эътиборан инсоният турмушига хос илк мезон, дастлабки ҳаётий воситалардан бири сифатида майдонга келди. Биринчи одам яратилиб, унга барча фаришталар сажда қилган, фақат Азозилгина Оллоҳнинг бу ҳукмидан бош тортган вақтга қадар эса фақат маърифат бор эди. Одам алайҳиссалом Оллоҳни таниган, унинг гўзал исмлари, сифатлари, бутун махлуқоти ҳақида билим (билиг)га эга бўлган, том маънода маърифат соҳиби (туркий тилда “билга”) мақомига эришган эди. Илк одамдаги бу ҳолатни Навоий “маърифатуллоҳ” деб атайди [1.88]. Азозил эса инсон эришган бу мақомга ҳасад қилди ва лаънатланган иблисга айланди. Бундай кулфатда қолишининг сабаби унинг табиатидаги жаҳолат

* Бу ерда ва бундан кейинги ўринлардаги таржималар мақола муаллифиники.

эди[1]. Демак, “маърифат” сўзи моҳиятида илоҳий китоблар ҳамда башарият лексик заҳирасида мавжуд жами мусбат (яхшилик, эзгулик) тушунчалар, “жаҳолат” сўзида эса барча манфий (ёмонлик, ёвузлик) тушунчалар ётади. Юсуф хос Ҳожиб китобига асос бўлган “билиг” сўзи худди шу нуқтаи назардан муаллиф бадиий концепциясини ифода этади. “Билиг” тушунчаси асосида пайдо бўлган “Билга” атоқли оти[2] ҳам дастлаб илк маърифат соҳиби – Одам (а.с.)га нисбатан ишлатилган. Яратганнинг Одам (а.с.)дан кейин келган барча элчилари ҳам худди шу сифат остида танилган ва танитилган. Элчилар келиши узилиб турган, Яратгувчи нозил этган китоблардаги нақллар бузилиб, уларга ёлғон аралашган (политеизм, мифология, жоҳилия) даврларда бу сифат остида халқ эпоси қаҳрамони – алп образи пайдо бўлган. Бошқача айтганда, алп Яратган элчиларининг даврлар ўтиб унутилган, мифлаштирилган, омма бадиий тафаккурида метафориклаштирилган образидир. Шумер эпосидаги Билгамиш[3], “Билга хоқон” ва бошқа эпик асарлар, битиклар бош қаҳрамонининг қадим туркий тилда “билга” деб аталиши мана шундай маънавий-маърифий, маданий-тарихий, бадиий-этимологик асосларга эга. Демак, Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ислом маънавияти асосида шаклланиб келаётган туркий халқларнинг, Яратган – борлиқ (космос) – башарият учлиги, ягона муаллиф онгида синтезлашган маърифий-бадиий намунасидирки, бу “Хамса” моҳиятига концептуал жиҳатдан мос келади.

2. “Шоҳнома” матнига қадим шарқ, хусусан, форс мифлари, афсона, асотирлар билан қоришган ярим тарихий хроникалар асос бўлиб хизмат қилган. Е.Э.Бертельс “Шоҳнома”нинг тарихий омиллари ҳақида сўз юритар экан, асарда сосонийлар даврига келиб фақат айрим парчалари, халқ оғзидаги афсоналари қолган “Авесто” мотивлари, омма хотирасидаги буддавийлик ва монийликка оид афсоналар, Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудларида куйланган қаҳрамонлик қўшиқларининг ўрни катта бўлганини таъкидлайди. Шунингдек, Наршаҳийнинг “Бухоро тарихи” асарига таяниб, қадим Бухоро аҳолиси ўртасида машҳур бўлган “Афсунгарлар йиғиси”, “Сиёвуш қасоси” сингари қўшиқларнинг “Шоҳнома” сюжетига кўчиб ўтганига урғу беради [3.199]. “Қутадғу билиг”да эса биз мифга оид бирор сюжетни учратмаймиз. Унда фақат “Қуръони карим” ва тавҳид мазмуни исломий эътиқоди том, илмий қамрови мукаммал муаллиф томонидан бадиий жиҳатдан юксак савияда талқин этилади. Бу ҳам “Хамса”даги муаллиф концепциясига айнан мос келади.

3. “Шоҳнома” ўзининг компилятив табиати, хроникал сюжетига кўра турли мақсад-муддао, турли дунёқараш ва эътиқоддаги қаҳрамонлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Уларни бирлаштириб турадиган ягона нарса асар композициясидаги бош бўғинни ташкил этувчи “Шоҳнома” (“Шоҳлар ҳақидаги битиклар”) деган сарлавҳадир. Аммо бундаги шоҳ образлари ҳам турли-туман: одил-золим, содда-айёр, эътиқодли-эътиқодсиз, инсонпарвар-миллатчи ва ҳ.к. Қизиғи шундаки, бу каби турфа сюжетлар, турфа қаҳрамонлар ўз йўлида, ўз дунёқарашига кўра ҳаракат қилади. Жаҳон ҳукмдорлари ҳақида ҳикоя қиладиган бу асарда уларни умумбашарий қадриятлар жиҳатидан умумлаштириб турувчи ягона эпик концепция яққол кўринмайди. “Қутадғу билиг”да эса ягона қаҳрамон бадиий талқини орқали маърифатли инсон концепцияси илгари сурилади. Кўпгина “Қутадғу билиг” тадқиқотчилари томонидан асардаги Кунтуғди (адл), Ойтўлди (давлат), Ўгдулмиш (ақл), Ўзғурмиш (қаноат) образлари индивидуал қаҳрамон ёки муаллиф қайд этган инсонга хос сифатларнинг конкрет қаҳрамон тимсолида акс этиши тарзида талқин қилинади. Умуман, асар контексти бу талқинни ҳам инкор этмайди. Ҳатто бу образлар индивидуал ҳолатда “Хамса”даги тўрт достон қаҳрамонлари табиатига мувофиқ келади. Дейлик, Фарҳоддаги ақл-заковат, ўткир мантиқ, Мажнундаги ишқ йўлидаги сабр-қаноат, Искандардаги ҳукмдорлик ва адолатда биз мазкур образларга хос сифатларни кўрамиз. Шунга қарамасдан, Юсуф хос Ҳожиб мазкур тўрт образ орқали ислом маънавияти билан тўйинган, ахлоқда комил, амалида собит идеал мўъмин, асл ислом кишиси образини талқин этган деган фикр “Қутадғу билиг” ва “Хам-

[1]Бу ҳақда қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.-Т.: Чўлпон, 1992; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. 2-жилд.-Т.: Мусулмонлар бош таҳририяти, 1996; Кайковус. Қобуснома. Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов.-Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006; Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк.-Т.: Адолат, 1997; Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Нашрга тайёрловчилар: Э.Фозилов ва бошқ.-Т.: Ёзувчи, 1990; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б. Аҳмедов, Н.Норқулов, М.Ҳасанийлар таржимаси.-Т.: Чўлпон, 1994; Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо /МАТ. Ўн олтинчи том.-Т.: Фан, 2000 ва бошқ.

[2]“Билга” ва “маърифатли” сўзлари тор дунёвий маънода қўлланганда сифат функциясида келади. Аммо “илоҳий ва дунёвий илмлар эгаси бўлган зот” деган тушунча эндиликда билгага хос муайян сифатни эмас, бевосита маърифат соҳибининг ўзини (шахсини) ифода этади. Шу тариқа сифат турдош отга айланади.

[3]Асар илк бор европалик тадқиқотчилар томонидан топилиб, бадиий муомалага киритилгани учун унинг номи ҳам, бош қаҳрамон ҳам Гилгамеш бўлиб кетган (- У.Ж.).

са” бадиий концепциясидаги уйғунликни тўлиқроқ ифодалайди.

4. “Шоҳнома” қаҳрамонлари ҳаракатланадиган хронотоп майдонлари ҳам хилма-хил. Айни хронотоп шаклларини кўпроқ қиссаси баён этилаётган қаҳрамон (шоҳ) мансуб тарихий-географик, бадиий-мифологик ҳудудлар белгилаб беради. Бундай хронотопларнинг ҳар бири бошқа-бошқа манзилга олиб боради. Бунга муаллиф ҳам, асардаги фабула йўналиши ҳам ҳукмини ўтказа олмайди. “Қутадғу билиг”да эса тўрт қаҳрамон тимсолида акс этган комил инсоннинг туғилиш – умр – ўлимдан кейинги ҳаётдан иборат улкан йўли ягона, универсал хронотоп майдонини ташкил этади. У кўзлаган манзил ҳам аниқ. Бу манзил алал оқибит муаллиф орзу қиладиган, унинг (шунингдек, “Хамса” муаллифининг) идеалидаги манзилдир.

5. Ниҳоят, “Шоҳнома”да кўпроқ шахсий (шоҳга хос), миллий (форс миллатига хос) муаммолар, давлатчилик ва салтанат ички ишларига доир низолар, тор доирадаги драмалар, трагедиялар талқини етакчилик қилади. Худди мана шу – ўз миллати билан ўзга миллатлар манфаати тўқнашган – нуқтада муаллиф позицияси, ижтимоий идеали очиқ кўринади. “Қутадғу билиг” эса ўзининг диний-маърифий моҳиятига кўра миллат танламайди. Унда, умуман, комиллик йўли, маърифатли одам идеали устунлик қилади. Муҳими муаллифнинг ўзи китобда айтганларига амал қилган, маърифат саодати нима эканини тушуниб етган ва буни ўзгаларга ҳам раво кўрган киши эди. “Қутадғу билиг” бошсўзида келадиган қуйидаги жумлалар айни фикрлар исботидир: “Бу китабны тасниф қылығлы Баласағун мавлудлық парҳиз идиси эр турур. (Маъноси: “Бу китобни тартиб берувчи Баласоғунда туғилган, парҳиз соҳиби [яъни тийилган, сабр-қаноатли] кишидир”)” [8.48-49].

Е.Э.Бертельсга кўра, Фирдавсий мелоднинг 935/936 – 1020 йиллари оралиғида яшаб ўтган. “Шоҳнома” эса, олимнинг аниқ ҳисоби бўйича, 999 йилнинг 16 январь куни тугалланган [3.169-238]. Юсуф хос Ҳожиб тақрибан 1019 йилда туғилган, мазкур асарини 1069 – 1070 йилларда ёзиб тугатган [5.8]. Бу икки асар орасини 70 – 71 йиллик масофа ажратиб турибди. Низомий “Хамса”сидаги биринчи достон эса 1180 йилда ёзилган. Демак, “Махзан ул-асрор” “Шоҳнома”дан 181 йил, “Қутадғу билиг”дан эса 110-111 йил кейин майдонга келган. Низомий достони вазн жиҳатидан ҳар икки асардан фарқ қилади. “Шоҳнома” ва “Қутадғу билиг” мутақориб баҳрида ёзилган бўлса, “Махзан ул-асрор” сариъ баҳрида ёзилган. Низомий “Хамса”сининг биринчи (шунингдек, Деҳлавий, Навоий) достони “Шоҳнома”дан бошқа жиҳатларига кўра ҳам фарқ қилади. “Хамса”даги Хусрав, шоҳ Баҳром ва Искандарга оид сюжетлар фақат шакл эътибори билан баъзи нуқталардагина учрашади. Аммо бадиий мазмун, метафорик талқин структурасига кўра Фирдавсий асаридан тублича ажралиб туради. Чунки Фирдавсий Искандари, асосан, шоҳ. Унинг биографияси ҳам, муаллиф истагига кўра, эроний ҳукмдорлар авлоди эканига гувоҳлик беради. Хусрав, Шоҳ Баҳром, Искандар образлари эса ҳали Низомий “Хамса”сидаёқ Фирдавсий қаҳрамонларидан кўп тарафлама фарқланса, Навоийга келиб, тамомила ўзгача шакл-мазмун касб этган [2.203-204].

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. Еттинчи том.-Т.: Фан, 1991.
2. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули.-М.: Издательство восточной литературы, 1962.
3. Бертельс Е.Э. Фирдоуси / в кн.: Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы.-М.: Издательство восточной литературы, 1960.
4. Долимов У. Шарқ педагогикасининг қомуси / Кайковус. Қобуснома. Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов.-Т.: Ўқитувчи, 2006.
5. Каримов Қ. “Қутадғу билиг” асари ҳақида / Юсуф хос Ҳожиб. Қутадғу билиг.- Т.: Фан, 1971.
6. Навоий асарлари луғати. Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига илова.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
7. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони.-Т.: Фан, 1960.
8. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи: Қ.Каримов.-Т.: Фан, 1971.

Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети,
2016 йил 8 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)